

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 811. 111  
811. 512. 133

**САМИГОВА ХУШНУДА БОТИРОВНА**

**Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик  
майдони**

10.02.20 – қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик,  
лингвистик таржимашунослик

Филология фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2010

**Иш Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида бажарилган**

- Илмий раҳбар:** филология фанлари номзоди, профессор  
**Мўминов Омон Мўминович**
- Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Юсупов Ўткир Қурбонович**
- филология фанлари номзоди, доцент  
**Икрамов Тоир Тўлаганович**
- Етакчи ташкилот:** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ҳимоя Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил <<\_\_\_>> \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_да ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100138, Тошкент, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий кутубхонасида танишиш мумкин (Тошкент, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9а мавзеси, 21-а уй).

Автореферат 2010 йил <<\_\_\_>> \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,  
филология фанлари номзоди, доцент

**Д.М. Тешабоева**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Илму фаннинг чинакам равнақиға эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак”<sup>1</sup> деган фикри фаннинг муҳим муаммоларини ўрганиш, ижтимоий аҳамиятга молик соҳаларни ривожлантиришда олимларимизнинг масъулиятини янада оширади.

Бугунги кунда ривожланиб келаётган когнитив тилшунослик, тил ва маданият, тил ҳамда жамият билан боғлиқ бўлган лингвокультурология, прагматика, социолингвистика, этнолингвистика соҳаларидаги илмий изланишлар айнан сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бирликларнинг кенг қиррали таҳлилини тақозо этмоқда.

Эркалаш функционал-семантик майдонининг (ЭФСМ) қиёсий тадқиқи тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир. Ҳозирда инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдонини яхлит тарзда ўрганишга бағишланган бирорта диссертация ёки илмий мақола йўқ. Тилшуносликда эркалаш функционал-семантик майдонининг социолингвистик, лингвокультурологик ва гендер хусусиятлари шу кунга қадар тадқиқ этилмаган. Бунга сабаб унинг тилда бажарадиган функциясини бошқа категорияларга тегишли деб қараб келинишидандир. Тилшуносликда мазкур муаммо ўз ечимини топишни талаб қилади.

Мазкур ишда «майдон» термини қўлланилар экан, ушбу номланишдан фойдаланилганда моҳияти бўйича бир-бири билан бевосита семантик жиҳатдан боғлиқ бўлган маълум бир тилдаги сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар майдони назарда тутилади.

“Семантик майдон” термини биринчи бўлиб Г. Ипсен томонидан қўлланилган. Тилларни қиёсий ўрганишда майдон нуқтаи назаридан, назарий жиҳатдан ёндашиш жуда ҳам муҳимдир<sup>2</sup>.

А. Абдуазизовнинг таъкидлашича, “семантик ёки тушунча майдони” маънолари билан боғланган сўзларни бирлаштиради. Бундай сўзлар, одатда, бир лексик-семантик гуруҳни ташкил қилади<sup>3</sup>.

А. Бондарконинг фикрича, функционал-семантик майдон (ФСМ) бир гуруҳга кирувчи умумий семантик функция (ядро) асосида бирлашувчи лексик, грамматик, лексик-синтактик каби воситаларни ўз ичига олади. ФСМ қуйидаги хусусиятларга эга бўлади: а) муайян ФСМга кирувчи тил бирликлари умумий семантик функцияга эгадир; б) уларнинг таркибида фақат лексик эмас, балки грамматик бирликлар ҳам мавжуд бўлади. Структураси жиҳатидан эса ядро ва перифериялардан ташкил топади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг ҳикматли сўзларидан. – Т.: Шарқ, 1998. – 51 б.

<sup>2</sup>Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, АН РУз, 2007. – С. 39-48.

<sup>3</sup>Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010. – 69 б.

<sup>4</sup>Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л.: Наука, 1984. – С. 99-103.

Шундан келиб чиққан ҳолда эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар бир функционал-семантик майдонни ташкил этади. Когнитив тилшунослик йўналиши эркалаш мавзусини ўрганишга ҳар томонлама комплекс ёндашишни талаб этади. Шу сабабли ЭФСМнинг социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. ЭФСМнинг когнитив моҳиятини, дунёни кўришнинг эркалашда акс этишини инглиз ва ўзбек тилларида ўрганиш ниҳоятда долзарбдир. Ҳолбуки, дунёдаги ҳамма нарсани фақат қиёслаш орқали англаймиз. Қиёслаш ҳар қандай фикр ёки борликни тушунишнинг асосидир<sup>1</sup>. Эркалаш бошқа стилистик воситалардан фарқли равишда жуда кам тадқиқ этилган. Жумладан, шу кунга қадар инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдони лингвокогнитив аспектда алоҳида монографик йўналишда тадқиқ этилмаган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар билан боғлиқ бир қатор масалалар тилшунос олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган. Жумладан, Р. Лакофф<sup>2</sup>, А. Кунин<sup>3</sup>, Н. Нишиниадзе<sup>4</sup> ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир. Р. Лакофф инглиззабон эркак ва аёллар тилларида эркалашнинг ифода этилиши юзасидан ўз фикрини баён этган бўлса, А. Кунин тадқиқотида инглиз тилидаги эркалашни фразеологик нуқтаи назардан ўрганган. Н. Нишиниадзе инглиз, грузин ва рус тилларида эркалаш ва камситиш маъноларига морфологик нуқтаи назардан ёндашган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам мазкур мавзуга Р. Хадятуллаев<sup>5</sup>, А. Пўлатов<sup>6</sup>, О. Сафаров<sup>7</sup>, Ш. Казаков<sup>8</sup>, Қ. Мусаев<sup>9</sup>, Э. Қиличев<sup>10</sup> каби олимларнинг ишларида эътибор қаратилган.

Ж. Бўронов, О. Мўминов<sup>11</sup>, М. Расулова<sup>12</sup>, Р. Қўнғуров<sup>13</sup> ва бошқа олимлар эркалаш ва кичрайтиришни грамматик категория сифатида тадқиқ этиб, уларни асосан суффикслар орқали ясалиши ҳақида тўхталиб ўтадилар. Лекин баъзи олимлар эркалашни муносабат нуқтаи назаридан мурожаатнинг ижобий экспрессив-эмоционал шаклига қиради деб таъкидлайдилар

<sup>1</sup>Ушинский К.Д. Избранные сочинения. – М.: Учпедгиз, 1939. Т. 11. – 43 с.

<sup>2</sup>Lakoff R. Language and Womans's Place. – New York: Harper Colophon Books, 1975. – PP. 5-64.

<sup>3</sup>Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С. 43-752.

<sup>4</sup>Нишиниадзе Н.Ш. Ономазиологические исследование выражения категории ласкательности и уничтожительности суффиксальными производными: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Тбилиси: ТибГУ, 1986. – 21 с.

<sup>5</sup>Хадятуллаев Р.Р. Соотносительность морфологических средств выражения категории субъективной оценки имен существительных в русском и узбекском языках: Дис. ...канд. филол. наук. – Орёл: ОГПИ, 1969. – 235 с.

<sup>6</sup>Пуллатов А.К. Английский язык. – Т.: ШАРҚ, 1998. – С. 333-346.

<sup>7</sup>Сафаров О. Болаларни эркаловчи қўшиқ. – Т.: Фан, 1983. – Б. 3-65.

<sup>8</sup>Казаков Ш. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочной лексики драм Хамзы: Дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, ИЯИЛ им. А.С. Пушкина, 1990. – 160 с.

<sup>9</sup>Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б. 163-166.

<sup>10</sup>Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б. 21-140.

<sup>11</sup>Buranov J., Muminov A. A Pactical Course in English Lexicology. – Т.: Ukituvchi, 1990. – PP. 32-36.

<sup>12</sup>Расулова М.И. Способы выражения категории уменьшительности в узбекском и английском языках: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент: ТГУ, 1981. – 22 с.

<sup>13</sup>Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1980. – Б. 44-134.

(А. Велистова<sup>1</sup>, З. Акбарова<sup>2</sup> ва бошқ.).

Айрим олимлар эса эркалашни фольклор нуқтаи назаридан тадқиқ этганлар (Д. Юлдашева<sup>3</sup>, О. Сафаров, Н. Мельников<sup>4</sup> ва бошқ.). Уларнинг фикрига кўра, таркибида *эркаламалар* мавжуд кўшиқлар (аллалар, овутмачоклар) катта ёшдаги кишилар, асосан, оналар томонидан ижод ва ижро этилади ҳамда улар фақат болаларгагина қаратилган бўлади. Жумладан, рус болалар фольклоршунослигида оналик поэзиясини Н. Мельников *эркалаш поэзияси* деб номлайди. О. Сафаров эса эркалашни алла айтиш фольклорининг таркибий қисми бўлган бола ва она ўртасидаги турли муносабатларни акс эттириши билан боғлаб ўрганadi.

Бажарилган тадқиқотларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти шубҳасиздир, лекин эркалаш мавзуси бўйича шу кунгача бир қанча тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамай, эркалаш аниқ бир майдон сифатида инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий аспектда, монографик йўналишда тадқиқ этилмаган. Мазкур тилларда унинг гендер, социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари бўйича изланишлар олиб борилмаган.

Ў. Юсупов ўз ишида тилларни қиёсий ўрганиш тамойиллари ҳақида тўхталиб ўтар экан, ўрганилаётган объектни бир бутунлик сифатида барча аспектларда, кенг қамровли ўрганиш лозимлигини таъкидлаб ўтади<sup>5</sup>.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида (баённома № 11, 2008 йил 29 май) тасдиқланган ҳамда ЎзДЖТУ таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг “Таржима муаммолари” илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржимонлик факультетининг илмий режаларига киритилган.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва кўзланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **илмий фараз** илгари сурилди: эркалаш функционал-семантик майдонининг когнитив, семантик, социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина уни тўлиқ илмий асослаб бериш мумкин.

**Тадқиқот мақсади:** инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМ билан боғлиқ лингвистик воситаларнинг семантик, лингвокогнитив, социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини атрофлича таҳлил қилиш ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини илмий асослаб бериш.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертациянинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

<sup>1</sup> Велистова А.В. Обращение в современном английском языке (в сопоставлении с русским): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ленинград: Ин-т языкознания АН СССР, 1964. – 26 с.

<sup>2</sup> Акбарова З.А. Ўзбек тилидаги мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол. фан. номз. ...дис. – Тошкент: ЎзР ФА, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2007. – Б. 105.

<sup>3</sup> Юлдашева М.Д. Ўзбек болалар фольклори тилида зоонимлар. Филол. фан. номз. ...дис. – Тошкент: ЎзР ФА, А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2007. – 123 б.

<sup>4</sup> Мельников М.Н. Русский детский фольклор Сибири. – Новосибирск: ЗСКИ НГПИ, 1970. – С. 3-25.

<sup>5</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Т.: Фан, АН РУз, 2007. – 92 с.

- эркалаш термини ва унинг бошқа тил ҳодисаларига муносабатини ўрганиш;
- инглиз ва ўзбек тилларидаги эркалашнинг семантик компонентини аниқлаш;
- тадқиқ этилаётган тилларда эркалашнинг тилнинг турли сатҳларида ифодаланишини таҳлил этиш;
- қиёсланаётган тилларда эркалаш маъносини кучайтирувчи воситаларни аниқлаш;
- инглиз ва ўзбек тилларидаги ЭФСМни социолингвистик хусусиятларга кўра таснифлаш;
- тадқиқ этилаётган тилларда эркалашнинг йўналтирилган объектга кўра таҳлилинини ўтказиш;
- мазкур тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи лексик birlikларнинг этимологик жиҳатларини ўрганиш;
- қиёсланаётган тилларда ЭФСМнинг гендер хусусиятларини ўрганиш;
- инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи birlikларнинг миллий-маданий семантик компонентини аниқлаш;
- тадқиқ этилаётган тилларда ЭФСМнинг миллий-маданий хусусиятларидаги ифода воситаларини аниқлаш ҳамда уларнинг умумий ва миллий-маданий жиҳатларини очиқ бериш.

**Тадқиқот объекти:** инглиз ва ўзбек тилларидаги ЭФСМга кирувчи сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда фразеологик birlikлар.

**Тадқиқот предмети:** инглиз ва ўзбек тилларидаги ЭФСМнинг семантик, лингвокогнитив, социолингвистик, лингвокультурологик ва гендер хусусиятлари.

**Тадқиқот методлари.** Тил материалини таҳлил этиш жараёнида куйидаги комплекс методлар қўлланилди:

- ЭФСМ билан боғлиқ лингвистик воситаларнинг нутқда функционал-семантик жиҳатдан идентификациясини амалга ошириш учун компонент таҳлил методи;
- мазкур майдонни гендер ва социолингвистик хусусиятлар жиҳатидан таҳлил қилиш учун прагматик анализ методи;
- ЭФСМнинг турли тиллардаги ўзига хос миллий ва маданий хусусиятларини таҳлил қилиш учун қиёсий-типологик метод;
- тадқиқ этилаётган тиллардаги изоҳли луғатларда келтирилган эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик birlikларни сон жиҳатдан аниқлаш учун қўлланиладиган статистик метод;
- ЭФСМнинг қўлланилиши даражасини аниқлаш учун тажриба (экспериментал) методи.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, ”Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш”, ”Баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Президент Фармонлари, шахслараро ва

маданиятлараро мулоқот назариялари ҳамда маданиятлараро диалог концепцияси ташкил этади.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

– ЭФСМнинг социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда эркалаш функционал-семантик майдонининг мавжудлигида инсон омилининг моҳияти ва дунёни билиш жараёнини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

– инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар мазкур тилларнинг ҳар бирида бир функционал-семантик майдонни ҳосил қилади;

– турли тизимдаги тилларга оид ЭФСМни қиёсий таҳлил қилиш системали ва изчил характерга эга бўлмоғи керак. Бундай таҳлил икки тил ЭФСМнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳлар ҳамда стилистик ва фразеологик воситалардаги ўзаро муносабатларини аниқлаш имконини яратади;

– инглиз ва ўзбек тилларидаги ЭФСМда лингвистик ҳодисалар муайян қонуниятлар асосида рўй беради;

– тадқиқ этиладиган тилларда ЭФСМ социолингвистик хусусиятларга кўра турли гуруҳ вакиллари нутқида ўз ифодасини топади;

– инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМга кирувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликларнинг гендер хусусиятларини компонент таҳлил орқали ўрганиш аёл ҳамда эркаклар нутқида эркалашнинг ифода этилишидаги фарқли ва ўхшаш тарафларини очиқ беради;

– ЭФСМни лингвокультурология нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этиш мазкур тилларда эркалашнинг умумий ва миллий-маданий хусусиятларини ёритишга кенг имкон яратади.

**Илмий янгилиги.** Тадқиқотда эришилган илмий янгиликлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги ЭФСМ мустақил монографик йўналишда тадқиқ этилди;

– эркалаш термини ва унинг бошқа ҳодисаларга муносабатига аниқлик киритилди;

– инглиз ва ўзбек тилларида эркалашнинг семантик компоненти аниқланди;

– мазкур тилларда эркалашнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларда ҳамда стилистик ва фразеологик воситаларда ифода этилишидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари илмий асослаб берилди;

– тадқиқ этиладиган тилларда эркалаш маъносини ифода этишда кучайтирувчи воситаларнинг аҳамияти тадқиқ этилди;

– қиёсланадиган тилларда ЭФСМнинг социолингвистик хусусиятларга кўра таснифи ўтказилди;

– эркалашнинг йўналтирилган объектга кўра таҳлили амалга оширилди;

– инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи лексик бирликларнинг этимологик келиб чиқиши турлича эканлиги аниқланди;

– инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг гендер хусусиятлари мавжудлиги ҳамда уларнинг мазкур тиллардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мисоллар ёрдамида изоҳланди;

– ушбу тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи бирликларнинг миллий-маданий семантик компоненти аниқланди;

– тадқиқ этилаётган тилларда ЭФСМнинг миллий-маданий хусусиятларидаги ифода воситаларининг таҳлили ўтказилди ҳамда уларнинг умумий ва миллий-маданий хусусиятлари очиқ берилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг кенг миқёсда тадқиқ этилиши семантикага оид лингвистик изоморфизмлар ва миллий-маданий хусусиятларни турли тизимга эга бўлган инглиз ва ўзбек тилларида қўлланиши механизмини англашга ҳамда миллий-маданий хусусиятлар муаммосини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Тадқиқот давомида олинган натижалар ва хулосалар олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганувчи талабаларни ўқитиш савиясини оширишга хизмат қилади ҳамда маданиятлараро мулоқотни ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Эркалашнинг хусусиятларини когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳамда эркалаш майдонининг мавжудлигида инсон омилининг моҳияти, дунёни билиш жараёнини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Муаммони бу тарзда тадқиқ этиш умумий ва хусусий тилшуносликнинг энг муҳим масалаларини изчил ўрганиш ва уларнинг тўғри ечимларини топишга ёрдам беради.

Тадқиқот материаллари дарсликлар ва ўқув қўлланма ҳамда методик кўрсатмалар яратишда, соҳа бўйича илмий тадқиқот ўтказиш, магистратура бўлими талабаларининг илмий иш олиб бориши жараёнида назарий асос бўлади.

Диссертацияда ўрганилган материаллардан лексикология, стилистика, лингвокультурология, таржима назарияси фанларини ўқитиш ҳамда ўқув ва изоҳли луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот материаллари.** XX-XXI асрларда инглиз ва ўзбек тилларида яратилган бадиий асарлар, газета, журнал, публицистик материаллар, радио ҳамда телевидениеда янграган нутқ намуналари, икки тилли ва изоҳли луғатлардан тўпланган материаллар, информантлар орасида ўтказилган сўровномалар натижалари тадқиқот учун асосий материал бўлиб хизмат қилди.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот давомида эришилган илмий натижалар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таржимонлик факультети талабаларига таржима назарияси, амалий ва назарий грамматика, амалий фонетика каби фанларни ўқитишда жорий қилинди. Ўзлон қилинган илмий мақолалар илмий конференцияларда маърузалар сифатида мутахассислар эътиборига ҳавола этилган.



**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация мазмуни юзасидан ЎзДЖТУ илмий-амалий анжуманларида (2007-2010), ЎзДЖТУ таржимонлик факультети таржима назарияси ва амалиёти кафедраси йиғилишлари (2009 йил 22 апрель, 23 декабрь), илмий-амалий семинарларда муҳокама қилинди ҳамда ҳимояга тавсия этилди (2010 йил 22 октябрь).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот бўйича жами 12та, жумладан: “Филология масалалари” илмий-методик журналида 1та, “Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар” илмий-методологик ва илмий-услубий журналида 2та, “Альманах” илмий-назарий журналида 1та (Тамбов, 2009), “Педагогик таълим” илмий-назарий ва методик журналида 1та, “Pashtoonkhwa” журналида 1та (Афғонистон, 2010), “Филология и современность” илмий мақолалар тўпламида 1та мақола ҳамда Республика конференциялари материалларида 5та маъруза тезислари эълон қилинди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, умумий хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, илмий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги тўғрисида сўз юритилади ҳамда диссертация ҳақида умумий маълумотлар берилади.

Ишнинг биринчи боби “**Эркалаш функционал-семантик майдони ва унинг ифода воситалари**” деб номланиб, у беш қисмдан иборат.

Ў.Қ. Юсуповнинг таъкидлашича, дунёда семантик жиҳатдан бири-бирига тўла мос келувчи тилларнинг ўзи йўқдир. Лекин қисман бўлса ҳам семантик жиҳатдан мос келувчи тиллар мавжуддир. Тиллар семантикасининг айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшамаслигининг сабаби – турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари, илмий-техникавий жараёни, яшаш шароитлари турлича эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари мавжудлиги эса мазкур тилларни таржима қилиш ҳамда қиёслаб ўрганишга имконият беради<sup>1</sup>.

Когнитив тилшуносликнинг асосий вазифаси инсон онгида кечадиган ментал жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ ҳолда ўрганишдир, унинг таҳлил объекти эса билим олиш, уни амалда қўллаш ҳамда узатиш манбаи ва, ниҳоят, уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими ҳисобланади<sup>2</sup>.

Мазкур бобнинг “**Когнитив тилшунослик ва тилларни қиёслаш**” деб номланган биринчи қисмида когнитив тилшунослик муаммоларини ҳал этиш тилларни қиёслашда муҳим аҳамияга эга эканлиги қайд этиб ўтилади, чунки тил бирликларини турли хил тилда қиёслаш орқали уларнинг концептуал-семантик моҳиятини, социолингвистик, гендер ва

<sup>1</sup> Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. — Т.: Фан, АН РУз, 2007. — С. 19-20.

<sup>2</sup> Сафаров С.Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 11-53.

лингвокультурологик хусусиятларини кўрсатиб бериш мумкин. Шунингдек, тилларни қиёслаш изоморфизм ва алломорфизм ҳодисаларини кенгрок ёритишга имкон беради.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида “**Эркалаш термини ва унинг бошқа ҳодисаларга муносабати**” мавзуси тадқиқ этилди. *Эркалаш* терминига турли манбаларда ўзига хос изоҳларни учратиш мумкин. Масалан, Вебстер изоҳли луғатида қайд этилишича, *эркалаш* (affection) – ҳис-туйғу ёки ҳис-ҳаяжон, нозиклик билан тегиш, суйиш демакдир<sup>1</sup>.

Roget’s Thesaurus луғатида *эркалаш* термини – endearment, loving words, affectionate speeches, pet name каби синонимик номларга эга<sup>2</sup>.

Рус тилидаги изоҳли луғатларда эса юқорида келтирилган луғатлардан фарқланган ҳолда *эркалаш* терминига раҳмдиллик қилиш, овутиш, асраб-авайлашдир деган изоҳ келтирилган<sup>3</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида<sup>4</sup> *эркалаш* нафақат меҳр билан суйиш эканлиги, балки у паралингвистик воситалар, яъни тана ҳаракати орқали ҳам ифода этилиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади.

Бизнингча, *эркалаш* – ҳар бир тилнинг ўзига хос воситалари, шакл-усулларидан фойдаланиб одамларга, жониворларга, табиатга, нарса-ҳодисаларга нисбатан меҳрибонлик, муҳаббат, майинлик, нафис меҳр билан суйиш ва севиш каби муносабатларни ифодалайди.

Тадқиқотимизда *эркалаш*, *кичрайтириш*, *баҳолаш*, *мақташ*, *ҳурмат* ҳамда *маъқуллаш* каби терминлар бир-биридан фарқлаб олинди. Уларнинг фарқлари компонент таҳлил методи, мазкур терминларга келтирилган луғатлардаги изоҳлар ҳамда матнларга асосланган ҳолда аниқланди.

Мазкур бобнинг “**Эркалаш семантик компонентини аниқлаш**” деб номланган учинчи қисмида инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш семантик компонентини аниқлаш компонент таҳлил ёрдамида амалга оширилди. Сўзнинг луғавий изоҳи таркибида мавжуд архисема ва интеграл семалар эксплицит ҳамда имплицит ифодалаш йўллари орқали аниқлаштирилди. Бунда инглиз тилида ЭФСМга кирувчи лексик ва фразеологик бирликларнинг луғавий изоҳларидаги *love* семаси архисема ва *darling*, *sweetheart*, *dear*, *lover* ҳамда *endearment* ва *affection* сўзлари эса интеграл семалар деб қабул қилинди. Интеграл семалар, ўз навбатида, *love* архисемасига бирлашади.

Ўзбек тилида *севиш* семаси архисема ҳамда *севимли*, *севгили*, *севувчи* каби семалар интеграл семалар деб қабул қилинди. Луғатлардаги изоҳи таркибида *эркалатиб*, *эркалатиш* каби кўрсаткич (пометалар) мавжуд бўлган сўзлар ҳам ЭФСМга киритилди. Интеграл сема ва кўрсаткичлар *севиш* асосидаги сўзлардан ташкил топган архисемага бирлашади.

<sup>1</sup> Merriam W. Merriam Webster’s Collegiate Dictionary. Eleventh Edition, – Massachusetts, USA: Incorporated Springfield, 2003. – 21 p.

<sup>2</sup> Roget’s Thesaurus of English Words and Phrases (105<sup>th</sup> Anniversary Edition). – London: The Penguin Press, 2002. – PP. 888-889.

<sup>3</sup> Словарь русского языка. В 4-х т. (издание второе). – М.: Русский язык, 1984. Т. 4. – С. 593-594.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдди. – М.: Русский язык, 1981. Ж. 2. – 450 б.

“ЭФСМнинг тилнинг турли сатҳларида ифодаланиши” деб номланувчи тўртинчи қисмда ЭФСМ тилшуносликнинг турли сатҳларида ўрганилди. Масалан, тадқиқ этилаётган тилларда эркалашни фонетик сатҳда ўрганиш жараёнида аниқланишича, эркалашнинг ифода этилиши товушнинг юмшоқ оҳангда, меҳр билан талаффуз этилишига боғлиқ бўлади. Эркалаш жараёнида айрим товушлар чалароқ, тилни чучуклаштириб талаффуз қилинади. Инглиз тилида болаларни эркалаганда сўзлардаги айрим товушлар тушиб қолиши ҳоллари аниқланса (*sugar-suga, darling-darlin*), ўзбек тилида эса ундош товушларнинг ўзгартириб талаффуз қилиниши кузатилди (*шакар-сакар, ширин-сирин*). Инглиз тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилидаги эркаловчи кўшиқларда (аллалар, овутомачоқлар) *o, a, ё* унли товушлари сўзларга кўшилиб, чўзиқ талаффуз этилиши эркалаш маъносини ифода этишда муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тилида эса бу ҳодиса сўзнинг ўртасидаги унлининг чўзилиши билан ифодаланади (*sweet*). Мазкур тилда *hush*, ўзбек тилида эса *тиши, обов* каби товушлар йиғиндиси ҳам эркалашнинг фонетик усулда ифода этилишининг ўхшаш тарафларидир.

Эркалашнинг морфологик воситалар ёрдамида ифодаланиши ҳам тадқиқ этилди. Инглиз тилида эркалаш суффикслари 9тадир (*-kin, -les, -ling, -su, -cu, -ie, -y, -eu, -o*). Улар кичрайтиришни ифодалаш билан бирга эркалашни ҳам алоҳида ифода этади. Ўзбек тилида эса 24тадир (*-лоқ, -жон, -хон, -ой, -нисо, -гина, (-кина, -қина), -ча, -чоқ, -чак, -чиқ, -биби, -бой, -бек, -той, -пошша, -шо, -мирза, -қул, -гул, -бону, -бека, -бекач, -им* I шахс бирликдаги эгалик ҳамда *-си* суффикслари). Бизнинг фикримизча, сўз кичрайтириш суффиксини олса ҳам, оҳанг таъсирида эркалаш маъносини ҳам ифода этиши мумкин.

Инглиз тилида эркалаш суффикслари от (*son+y*) ва сифат (*sweet+ie*) сўз туркумига кўшилса, ўзбек тилида от, сифат сон, равиш, олмош, феъл сўз туркумларига кўшилиб келади.

Ўзбек тилида бир сўзга бир нечта эркалаш суффикси алоҳида-алоҳида кўшилади (*бола+м, бола+жон, бола+гинам, бола+хон, бола+кай*). Инглиз тилида бир сўзга фақат иккита эркалаш суффиксини алоҳида кўшиш мумкин (*aunt+y, aunt+ie*).

Инглиз тилида бир сўзга кетма-кет бир нечта эркалаш суффиксларини кўшиб бўлмайди (*girl+ie*). Ўзбек тилида эса бир сўзга икки ва ундан ортиқ эркалаш суффикслари кўшилиши мумкин (*қиз+алоқ+қина+м*).

Ўзбек тилида I шахс бирликдаги *-м, -им* эгалик суффикси ҳам эркалашни ифодалашда сўзга кўшилади (*бўталог+им*). Инглиз тилида эса мазкур ҳол сўзнинг олдида I шахс бирликдаги *my* эгалик олмошини кўшиш орқали ифодаланади (*my sweet, my darling, my baby* ва ҳоказо).

Эркалашнинг лексик сатҳдаги таҳлили инглиз ва ўзбек тилларида эркалашнинг содда сўзлар (*sugar / мой*), кўшма ҳамда жуфт сўзлар орқали ифода этилишини кўрсатди (*cupcake / ширин-шакар*).

Эркалаш маъносини ифода этувчи бир ўзакли жуфт сўзлар уяси инглиз тилида кенгроқ бўлишини кузатиш мумкин (*sweet-pie, sweet-cheeks, sweet-heart, sweet-pea, sweet-thing, sweetkins; / асал-қандим, шакар-қандим*).


Инглиз тилида жуфт сўзнинг ҳар икки қисмига, ўзбек тилида эса сўзнинг охирига эркалаш суффикси қўшилади (*toots+ie-woots+y*, *жон-жаҳон+гина+м*).

Қиёсланаётган тилларда эркалаш натижасида атоқли отларнинг қисқариш ҳоллари учрайди (*Barbara* исми *Bab*, *Rebecca* исми *Beck* / *Қаҳрамон* исми *Қақиш*, *Бахтиёр* исми *Бахти*).

Инглиз тилида *an apple of one's eyes*, *my cabbage*, *sweetie pie* каби, ўзбек тилида эса, *кўзимнинг оқу қораси*, *айланай*, *жонимни қоқай* каби фразеологик бирикларда эркалашнинг ифода этилиши кузатилди.

Мазкур тилларда эркалаш метафора, метонимия, такрорлаш, гипербола, ўхшатиш, эпитет, эллипсис, оксюморон, парафраза, ажратилган конструкция, инверсия, климакс каби стилистик воситаларда ифода этилади.

ЭФСМнинг синтактик сатҳда тадқиқ этилиши эркалашнинг содда ва қўшма сўзлардан ташқари сўз бирикмаси, гап, матнларга тенг бўлишини кўрсатди. Мазкур бириклар гаптаги вазифасига кўра эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, хол, қолаверса, гапта ундалма ҳамда уюшган бўлак бўлиб келиши аниқланди. ЭФСМни турли сатҳларда тадқиқ этишда аниқланган натижаларни қуйидаги расмда келтириб ўтамиз (1-расм).



1-расм. Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг тилнинг турли сатҳ ва воситаларида ифода этилиши

Юқоридаги доиранинг ички тарафидаги доирасимон қаторда инглиз тили, ташқи тарафдаги доирасимон қаторда эса ўзбек тилида эркалаш маъносининг кўрсатилган воситалар орқали ифода этилиши ёки ифода этилмаслиги “+” ва “-” белгилари билан кўрсатилган.

Мазкур бобнинг бешинчи қисми **“Эркалаш маъносини кучайтирувчи воситалар”** деб номланади. Эркалаш ҳисси ортганда инсон маъноси тўлиқ бўлмаган ёки умуман маънога эга бўлмаган фонетик товушлар билан жумлалар туза бошлайди. Инглиз тилида эркалашнинг кучли ифода этилишида I шахс бирликдаги *ту* эгалик олмоши, *so, very, oh* каби фикрни кучайтирувчи воситалар, сифатнинг орттирма даражаси кўшимчаси, эркалаш суффикслари катта аҳамият касб этади. *Pretty* ёки *dear* каби сўзларни эркалаш маъносини ифода этувчи лексик бирликлар олдидан кетма-кет қўллаш, қолаверса, такрорлаш, климакс, метафора каби стилистик воситалар ҳам мазкур маънонинг кучайишида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек тилида эса I шахс бирликдаги *менинг* эгалик ҳамда *ўзимнинг* ўзлик олмоши, *-им* эгалик суффикси эркалаш маъносининг кучайишида муҳимдир. Ўзлик олмоши иштирокидаги эркалаш маъносини ифодаловчи айрим лексик бирликлар *-лик* от ясовчи суффикси билан келса (*ўзимнинг асаллигим, ўзимнинг шакарлигим*), фикрнинг таъсирчанлиги бир қанча юқори даражада эканлиги сезилади. *-э, -эй* юкламалари, *вой* ҳис-ҳаяжонни ифода этувчи тил бирликлари, такрорлаш, метафора, климакс каби стилистик воситалари орқали эркалаш маъноси кучайиши кузатилди.

Эркалашнинг кучайишида энг катта аҳамият касб этувчи восита оҳанг, интонация ва урғудир. Суйиш ва севиш қанчалик кучли бўлса, эркалаш маъносига эга жумлалар занжири ҳам шунчалик узун бўлади.

Тадқиқотимизда аниқланишича, эркалаш паралингвистик воситалар, яъни тана ҳаракатларида, юз мимикаларида ҳам намоён бўлади. Масалан, эркалаш қаратилган адресатнинг юзини қаттиқ чимчилаш ёки ўпиш, бошидан силаш, бағрига маҳкам босиб қучоқлаш каби ҳаракатлар шулар жумласидандир. Эркалашни ифода этиш жараёнида асосан инсон юзида табассум пайдо бўлади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“ЭФСМнинг социоллингвистик ва гендер хусусиятлари”** тадқиқ этилди. Мазкур боб беш қисмдан иборатдир.

**“Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг социоллингвистик хусусиятларига кўра таснифи”** деб номланган биринчи қисмда тадқиқ этилаётган тилларда мавжуд изоҳли луғатлардаги кўрсаткичлар, бадий адабиётлардан тўпланган материаллар, информантлардан олинган сўровнома натижалари асосида эркалашнинг социоллингвистик хусусиятларига кўра тадқиқи амалга оширилди.

Мазкур тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар умумий, яъни халқнинг барча вакилларига айнан эркалаш маъносида аён бўлиши (*angel, darling, dearest, sweetheart / тойчоғим, жоним, новвотим, ўргилай* каби) ҳамда айрим гуруҳлар (оила ичида, дўстлар нутқида, севишганлар суҳбатида ва бошқ.)

томонидан ифода этилиши (*carrot, honey bee, patootie / пучук, Нусуш, дўдам каби*) кузатилди. Гуруҳ ичида эркалаш натижасида атоқли исмлар қисқариши, лақаблар келиб чиқиши ҳоллари учраб туради ҳамда ўзбек тилидан фарқли ўлароқ инглиз тилида кичик гуруҳлар ичида эркалаш беҳаё сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодаланиши билан характерланади.

Тадқиқотмизда эркаланинг инглиз ҳамда ўзбек тилларида адабий ва сўзлашув тил меъёрларида ифода этилиши кузатилди. Адабий тилда эркалаш сўзлашув услубига нисбатан стилистик воситаларга бой ва бўрттириш каби хусусиятга эгаллиги билан характерланади.

Инглиз тилидаги *snookhum, tootsie, wootsie, muggle, fancy man, crumpet*, каби жаргон сўзлар эркалаш маъносини ифодалайди<sup>1</sup>. Ўзбек тилида эса эркалаш маъносини ифода этувчи жаргон сўзлар учрамади.

Тадқиқ этилаётган тилларда эркалаш шевада ўзига хос кўринишга эга. Вебстер луғатидаги маълумотларга кўра<sup>2</sup>, Британия вариантыда *bird, chap, dolly bird, duck, sweetie, poppet* сўзлари эркалаш маъносида қўлланилади. *Toad* (қурбақа) сўзи ҳам шевада *tad* деб ифодаланса, Британиянинг шарқида шевада *bunny* сўзи *bun* каби кўринишга эгадир. АҚШнинг жанубий-ғарбида испан тилидан келиб чиққан *cabalero* (ёр) сўзи ҳам шулар жумласидандир. Британияда *bonny* сўзи орқали эркаланинг ифода этилиши ушбу тилдаги эркалашда ҳудудий шевага хослик мавжудлигини кўрсатди.

Ўзбек тилида ҳам эркалаш шевада ўзига хос хусусиятга эгадир. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғатидан олинган маълумотга кўра<sup>3</sup>, эркалани ифода этувчи *онажон* сўзи шевада *аяжон* (*Қўқон, Марғилон, Самарқанд*), *опажон* (*Тошкент*) деб айтилиши, *болам* сўзи *бачам, баччам* бўлиши, *ойи* сўзининг *мома* бўлиши, *қақилдоқ* сўзи шевада *қақажон* бўлиши каби кўрсаткичлар мавжуд. Сўровномалар натижасида аниқланишича, *айланай, ўргилай, менинг асалим* каби эркалаш маъносини ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари Тошкент шевасида *айланий, ўргилий, мани асалим* деб ифодаланса, Хоразм шевасида эса *ананайин, ўргилайин, манин асалим* каби талаффуз қилинади. *Айланайин* сўзи эса Самарқанд шевасига хос бўлган кўринишдир. *Моччи, мўччи, маззим, ахай, жўжжинган айланин, миққи, жуужуинан* каби сўз ва сўз бирикмалари ҳам эркалаш маъносида Хоразмда қўлланилиши маълум бўлди. *Тиллочам, тилло қизим* каби эркалаш Бухоро шевасига хос эканлиги аниқланди.

Мазкур тилларда бир ўзакли сўзлар шевада турлича талаффуз этилиши кузатилди (*love – luv, toad – tad; lover – luvver / айланый – ананайин – айланай; ўргилай – ўргилий*). Инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ шевада эркалаш маъносида турли ҳудудларда ҳар хил маънодаги сўзларнинг ишлатилиши ҳоллари учраса (аёлларга нисбатан Йоркширда *luv*, Ланкаширда

<sup>1</sup> A Dictionary of Slang and Unconventional English. – London: London Routledge and Kegan Paul Ltd. Broadway house, 1964. V.1. – PP. 12-854.

<sup>2</sup> Merriam W. Merriam Webster's Collegiate Dictionary. Eleventh Edition, – Massachusetts, USA: Incorporated Springfield, 2003. – PP. 21-975.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдли. – М.: Русский язык, 1981. Ж. 1-2. – Б. 33-631.

*chuck*, Бирмингемда *bab*, Тайнсайда *hinny*, *hin*), ўзбек тилида айна бир сўзнинг турлича кўринишда учраши маълум бўлди (аёлларга нисбатан *аяжон*, *ойижон*, *опажон*, *моможон*).

Эркалаш, асосан, кариндош-уруғчилик доирасида, севишганлар нутқида, дўст ва дугоналар муносабатида намоён бўлади. Инглиз тилида *my baby*, *my child*, *my sonny*, *my sweet sister* ва шу каби сўзлар ва сўз бирикмаларини ёш жихатдан кичикларга, *my dear father*, *granny*, *my dear mammy*, *gran* каби тил бирликларини ёш жихатдан катта инсонларга нисбатан эркалаш маъносида ифода этилиши кузатилди. *Sweet*, *dear*, *darling*, *sweetheart*, *honey* каби лексик бирликлар адресатнинг ёши инобатга олинмасдан ҳам ифода этилиши мумкин.

Ўзбек тилида ёши катта инсонлар, айниқса, аёллар нутқида *айланай*, *ўргилай*, *қоқиндиқ*, *гиргимтон*, *болам*, *ўзим ўргилай* каби мисоллар учраса-да, лекин ушбу сўзлар ёшлар нутқида учрамайди. Мазкур тилда инглиз тилидан фарқли равишда катталар нутқида эркалаш феъл сўз туркуми орқали ҳам ифода этилиши кузатилди (*айланиб кетай*, *ўргилиб кетай*, *қурбонинг бўлай*).

Тадқиқ этилаётган тилларда тўпланган материаллар ва сўровномалар натижасига кўра нутқда энг фаол қўлланиладиган эркалашни ифода этувчи лексик бирликларнинг фоиз кўрсаткичларини қуйида келтириб ўтамыз.

Инглиз тилида: *dear* – 28 %, *darling* – 20 %, *sweet* – 20 %, *honey* – 10 %, *baby* – 7 %, *love* – 5 %, қолган 10 фоизни ЭФСМнинг таркибига кирувчи бошқа сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар ташкил этади.

Ўзбек тилида: *асалим* – 32 %, *жоним* – 30 %, *шакарим* – 10 %, *шириним* – 8 %, *новвотим* – 8 %, қолган 12 фоизи ЭФСМнинг таркибига кирувчи бошқа сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлардир.

Мазкур бобнинг “**Йўналтирилган объектга нисбатан эркалаш**” деб номланувчи қисмида эркалаш нафақат инсонларга, балки ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, осмон жисмлари, жой номлари, табиат ҳодисалари, вақт маъносини англатувчи сўзлар ҳамда жонсиз предметларга ҳам қаратилиши мумкинлиги аниқланди. Масалан:

*Sweet bird! I could not wish for thine!*

*Or if it were, in winged guise,*

*A visitant from paradise<sup>1</sup>.*

*Фарҳод ўз метинига қараб деди:*

– *Эй, менинг асирим! Машаққат кунларимда кўмакчим! Мен сени кўп-кўп қойидим<sup>2</sup>.*

“**Эркалашни ифода этувчи лексик бирликларнинг этимологияси**” деб номланган навбатдаги қисмда инглиз тилига француз, испан, итальян, араб тилларидан, ўзбек тилига форс-тожик, араб, рус тилларидан ўзлашган эркалаш маъносини ифода этувчи лексик бирликлар аниқланди. Инглиз тилига испан тилидан *-o* суффикси (*kidd-o*, *buddy-o*, *daddy-o*), ўзбек тилига

<sup>1</sup> Byron J.G. Selections from Byron. – Moscow: Progress, 1979. – 362 p.

<sup>2</sup> Навоий А. Фарҳод ва Ширин (Ғ. Ғулом насрий баёни). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 558 б.

эса рус тилидан *-ишка, -чик, -ка* эркалаш суффикслари кириб келган (*Асалишка, асалка, Бобурчик, пончик*). Тарихийлик жихатларга кўра, эркалаш маъносини ифода этувчи баъзи лексик бирликлар даврлар ўтиши билан нутқ фаолиятдан четлашиб бориши кузатилди.

**“Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг гендер хусусиятлари”** тадқиқи ушбу бобнинг тўртинчи қисмидан ўрин эгаллаган. Мазкур хусусиятларни аниқлаш инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли луғатлар ёрдамида компонент таҳлил асосида амалга оширилди. Тўпланган мисоллар асосида эркалаш маъносини ифода этувчи бирликлар эркак ва аёллар учун умумий бўлган, фақат эркакларга нисбатан қўлланилувчи ҳамда айнан аёлларга қаратиб ифода этилувчи бирликлар гуруҳига бўлинди.

Эркак ва аёлларга умумий йўналтирилган эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар инглиз тилида 47%, ўзбек тилида эса 58,4%ни ташкил этади. Эркакларга қаратилган эркалаш маъносини ифода этувчи бирликлар эса инглиз тилида 18,5%, ўзбек тилида 5,8%, аёлларга қаратиладиганлари эса инглиз тилида 34,5%, ўзбек тилида 35,8% эканлиги аниқланди.

Мазкур тилларда аёллар нутқида эркаклар нутқида қараганда эркалаш кучли ҳис-ҳаяжон билан ифода этилиши ҳамда аёллар эркалашга доир жумлаларни узунроқ тузишлари аниқланди. Инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида аёлларнинг феъл асосида ясалган модал сўзлардан фойдаланишлари маълум бўлди. Тадқиқ этилаётган тилларнинг сўзлашув услубида эркаклар нутқида эркалаш оддий кўринишга эгаллиги, адабий тилда эса, аксинча, стилистик бўёқдор, кучайтирувчи услубий воситалар орқали ифода этилиши аниқланди. Инглиз аёллари ўз ёрларига эркалашни ифода этишда жумлалар тузишда устундирлар. Аксинча, ўзбек аёллари Шарқ маданиятига хос бўлган “ибо”, “хаё”, “уят” каби тушунчалар сабабли эркакларга қаратилган эркалашда эҳтиёткордирлар.

Учинчи боб **“Тил семантикасида маданиятлараро ёндашиш ва унинг ЭФСМга муносабати”** мавзусига бағишланган бўлиб, у икки қисмдан иборат.

**“Эркалашнинг миллий-маданий семантик компоненти”**нинг таҳлили мазкур бобнинг биринчи қисмидан ўрин эгаллаган. Тадқиқотимизда қийсланаётган тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари тадқиқ этилишида сўзларнинг луғавий изоҳи таркибидаги маркер ҳамда кўрсаткичлар имплицит ва эксплицит ифодалаш йўллари ёрдамида аниқланди. Бунда мазкур тиллардаги бир маънога эга (денотат) эркалаш маъносини ифода этувчи лексик бирликнинг луғатдаги маънолари солиштирилди. Улар бир маънони англатсалар-да, кўчма маъноларидаги образлилик кўрсаткичлари жихатидан бир-биридан фарқланиши аниқланди. Таҳлил натижасида ЭФСМга кирувчи лексик бирликларнинг кўчма маънолардаги эквивалентлик жихатлари инобатга олиниб, улар икки гуруҳга ажратилди. Қуйида биринчи гуруҳга кирувчи *lamb* ва *қўзичоқ* сўзларининг луғавий изоҳини кузатамиз:



lamb – 1) a gentle or weak person; b) *dear, pet*;

кўзичоқ – 1) кўйнинг ёшига етмаган боласи; 2) (I шахс эгалик формада) болаларни *эркалатиб* мурожаат этиш формаси.

Юқоридаги сўзларнинг кўчма маънолари изоҳида *dear, pet* семалари ҳамда *эркалатиб* луғавий кўрсаткичи мавжуд. Шу жиҳатдан улар биринчи гуруҳга киритилди. Иккинчи гуруҳга кирувчи *dove* ва *кабутар* сўзларининг луғавий изоҳини кузатамиз:

dove – 1) a pigeon of the genus *Columba* and various related genera; 2) a word of *endearment* for one regarded as pure and gentle;

кабутар – ранг-баранг тусли ва турли шаклли хонаки ёки ёввойи қушларнинг умумий номи.

Эркалашни кўрсатувчи *endearment* кўрсаткичи фақатгина инглиз тилида мавжуддир. Ўзбек тилида мазкур ҳол кузатилмади. Ушбу хусусиятлар асосида *dove* ва *кабутар* сўзлари иккинчи гуруҳга киритилди.

Ушбу бобнинг “**ЭФСМнинг миллий-маданий хусусиятларидаги ифода воситалари**” деб номланган қисмида ЭФСМнинг миллий-маданий хусусиятлари ўрганилди. Улар қуйида ўз аксини топади.

Эркалаш зоонимлар номларида ифода этилади. Масалан:

*Fare you well, my dove! / Кўзичоғим, яхши қол!*

“Кабутар” ўзбеклар лафзида фақат тинчлик рамзи сифатида намоён бўлади. Инглиз тилида эса мазкур сўз эркалаш маъносида қўлланилади. У жонли нутқда ўзгача мажозий мазмун касб этишга ожиз<sup>1</sup>.

Инглиз тилида уй паррандалари, қушлар, ҳашаротлар ва бир нечта уй ҳайвонлари (*calves, lambs*) номлари ёрдамида эркалаш ифода этилса, ўзбек тилида уй ҳайвонлари номларидан эркалашда кенг фойдаланилади.

Ўсимликлар номларини англатувчи *rose, bud, buddy, bunch, flower/ гул, момик (пахта)* каби сўзлар ҳам эркалаш маъносини ифода этиши аниқланди.

Тана қисмлари номларида ҳам эркалашнинг миллий-маданий хусусиятлари ўзига хос кўринишга эгадир. Масалан:

*But yet thou art my flesh, my blood, my daughter*<sup>2</sup>.

– *Вой, чўзилиб қолган бўйларингдан бувинг ўргилсин*<sup>3</sup>.

Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъноси инсон ташқи кўринишини англатувчи *my randy sex kitten, my sex bomb*, ўзбек тилида *қоши қаро, дўмбоғим, қаро кўзим, оппоғим* каби сўзлар ва сўз бирикмаларида ифода этилади.

Инсон характерини англатувчи сўзлар орқали ҳам эркалашнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятлари мавжуд. Масалан:

*...For a Lalland face he feared none,*

*My gallant brow John Highlandman*<sup>4</sup>.

*Соддадилим, сенда суйиб, ишонгандинг уларга*<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Мусаев Қ. Гаржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 164 б.

<sup>2</sup> Shakespeare W. King Lear. [www.rhymezone.com/](http://www.rhymezone.com/)

<sup>3</sup> Ҳамид Ғ. Феруза/Бинафша атри. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 408 б.

<sup>4</sup> Auden W.H., Pearson N.H. Romantic Poets. – Great Britain: Penguin books, 1977. – 37 p.

<sup>5</sup> Муҳаммад Ю. Улуғимсан Ватаним. – Т.: Ижод дунёси, 2004. – 108 б.

*Тонгни тонгга улаб, меҳнат қилдингми, тулкиларга.*

Мифонимларни ифода этувчи сўзлар орқали эркалалаш ҳам мазкур тилларда учраб туради. Масалан:

*But shake me cocktail, **angel**...? I need a good kick – you **angel of light**!*<sup>1</sup>

– *Ташаккур, **фариштам!** – Карим қизни бағрига тортиб, сузук, хумор кўзларидан юмишққина ўнди*<sup>2</sup>.

Мисолларда мифонимлар майдонига кирувчи сўзлар эркалалаш маъносини ифода этмоқда. Инглиз халқи учун оқ кийим кийган қанотли *болакай* – фариштачалар яхшилик, поклик рамзини ифодаласа, ўзбек тилида эса *фаришта*, *пар* каби сўзлар *аёл* тимсолида ифода этилади. *Angel* – *фаришта* сўзлари мазкур тилларда бир денотат маънога эга бўлса-да, маъно жиҳатдан, тасвирий ифодаси инглиз ва ўзбек тилларида миллий-маданий хусусиятларни кўрсатувчи қирраларда (инглиз тилида – *болакай*, ўзбек тилида – *аёл*) намоён бўлади.

Мазкур тилларда эркалалаш озиқ-овқат номларини англатувчи сўзлар орқали ҳам ифода этилади. Масалан:

*Darling old sweetie pie liked us all here under his eye*<sup>3</sup>.

*Қаймоқ қизим, алла... асал қизим, алла...шакар қизим, алла*<sup>4</sup>.

Инглиз тилида ун маҳсулотларидан тайёрланадиган ширин пишириклар, пироглар, нонлар номлари, ўзбек тилида эса таъми ўткир ширин мазага эга бўлган *шакар*, *асал*, *новвот*, *шоколад* каби қандолатчилик маҳсулотлари номлари орқали эркалалаш кузатилди.

Тадқиқотимиз осмон жисмлари номлари орқали эркалалашнинг миллий-маданий хусусиятлари мавжудлигини кўрсатди. Эркалалашнинг инглиз тилида *sunshine*, *my shining star*, ўзбек тилида *ой болам*, *қуёшим*, *юлдузим* каби кўринишда ифода этилиши шеърятда, аллаларда учради.

Эркалалаш тадқиқ этилаётган тилларда конкрет нарса номларининг кўчма маъноларида ҳам ифодаланади. Масалан:

*Brabatio (to Desdemona): ...I would keep from thee. For your sake, jewel, I am glad at soul I have no other child*<sup>5</sup>.

– *Ойи, сиз менинг нурум, чирогимсиз*<sup>6</sup>.

Изланишларимиз давомида мавҳум отларда эркалалашнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳам тадқиқ этилди. Масалан, инглиз тилида *love*, *soul*, *dream*, *true love*, *life heartthrob* (*пульс*) каби сўзлар, ўзбек тилида эса *борлиқ*, *муҳаббат*, *севги*, *қалб*, *жон* каби сўзларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу каби мисолларнинг, асосан, бадиий адабий тилда учраши кузатилди. *Heartthrob* (*пульс*) сўзи инглиз тилида эркалалаш маъносини ифода этса, ўзбек тилида бу сўзнинг кўчма маъноси мавжуд эмас.

Тадқиқ этилаётган тилларда адабий қаҳрамонлар ва тарихий шахслар

<sup>1</sup>Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 43 с.

<sup>2</sup>Хамид Ғ. Феруза/Бинафша атри. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 411 б.

<sup>3</sup>Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – 577 с.

<sup>4</sup>Сафаров О. Болаларни эркаловчи кўшиқ. – Т.: Фан, 1983. – 18 б.

<sup>5</sup>Shakespeare. W. Othello (The Moor of Venice). – М.: Издательское товарищество иностранных рабочих, 1936. – 25 р.

<sup>6</sup>Журжий З. Фарғона келини. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 113 б.

номлари билан эркалаш мавжуд бўлиб, инглиз тилида *Romeo* (Шекспир трагедияси қаҳрамони), *Don Juan* (Британия адабиётларидаги аёлларни севувчи испан йигит), *Queen of Hearts* (Қиролича), *Valentine* (Авлиё Валентин номи), *Munchkin* (Франк Баумнинг “The wonderful Wizard of Oz”(1900) асаридаги кичик ва ёқимтой жонзотлар) каби исмлар орқали, ўзбек тилида эса *Лайли*, *Ширин*, *Мажнун* (Алишер Навоий дostonларининг қаҳрамонлари), *Рустамтой* (эпик дostonдаги афсонавий паҳлавон, ботир қаҳрамон), *бўғирсоқ* (эртақ қаҳрамони) каби тимсоллар орқали эркалашнинг ифодаси учрайди.

Инглиз ва ўзбек тилларида ранглар номлари билан эркалашда ҳам миллий-маданий хусусиятлар мавжуддир. Масалан:

*My blue eyed, I love you so. And when the sun goes down, and the shadows are creeping all over town, Just meet me in the lane, my blue eyed Jane*<sup>1</sup>.

– Айланай, **оппоқ қизим!** Сендан бувинг гиргимтон.

*Сабогинг ҳам қолмасин, бўла қол, жоним, чаққон*<sup>2</sup>.

Тадқиқотимиз жараёнида қиёсланаётган тилларда эркалаш *you are my ocean, you are my blue world / суянган тоғим, ишонган боғим* каби жой номларини ифодаловчи лексик ва фразеологик бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкинлиги кузатилди.

## ХУЛОСА

Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари мавзусига қиёсий таҳлил ёрдамида ёндашилди. Бундай ёндашув бир-бирига қардош бўлмаган тилларда эркалаш маъносининг ифода этилиши ва уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Тадқиқотимиз жараёнида ўтказилган таҳлиллар бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. *Эркалаш* терминининг тилшуносликнинг *баҳолаш, мақташ, ҳурмат, маъқуллаш, кичрайтириш* каби терминларидан фарқи аниқлаштирилди.

2. Эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликларнинг компонент таҳлили амалга оширилди. Бунда инглиз тилида *love*, ўзбек тилида *севши* семалари ЭФСМнинг архисемалари деб қабул қилинди.

3. Тадқиқ этилаётган тилларда эркалаш тилнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳлари ҳамда фразеологик, стилистик ва паралингвистик воситалари орқали ўз ифодасини топиши таҳлил қилинди ҳамда эркалаш маъносининг ифода этилишида кучайтирувчи воситаларнинг аҳамияти кўрсатиб берилди.

4. Қиёсланаётган тилларда ЭФСМнинг социолингвистик хусусиятларга кўра таснифи ўтказилди. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар умумий равишда ҳамда кичик гуруҳлар доирасида қўлланилиши аниқланди.

<sup>1</sup>Rodgers J. My Blue Eyed Jane. [http://dylanchords.info/00\\_misc/my\\_blue\\_eyed\\_jane.htm](http://dylanchords.info/00_misc/my_blue_eyed_jane.htm)

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдди. – М.: Русский язык, 1981. Ж. 1. – 6 б.

Мазкур майдонинг қариндош-уруғлар, дўст ва биродарлар, севишганлар нуткида, адабий ҳамда сўзлашув тил доирасида ифода этилиши тадқиқ қилинди. Эркаланишнинг шевадаги кўриниши, ёш жиҳатдан ифода этилиши таҳлил этилди. Инглиз тилида *dear, darling, sweet, honey, baby, love*, ўзбек тилида эса *асалим, жоним, шакарим, шириним, новвотим* сўзлари эркаланишда энг фаол қўлланилувчи лексик бирликлар деб қабул қилинди.

5. Эркаланиш инсонларга, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, осмон жисмлари, жой номлари, табиат ҳодисалари, вақт маъносини англатувчи сўзлар ҳамда жонсиз предметларга ҳам қаратилиши мумкинлиги исботланди.

6. Тадқиқ этилаётган тилларда эркаланиш маъносини ифода этувчи лексик бирликларнинг этимологик келиб чиқиши ўрганилди. Бунда инглиз тилига испан, итальян, француз, араб тилларидан, ўзбек тилига эса араб, форс-тожик ва рус тилларидан эркаланиш маъносини ифода этувчи лексик бирликлар ўзлашганлиги аниқланди.

7. Мазкур тилларда ЭФСМнинг гендер хусусиятлари компонент таҳлил асосида, контекстлар ёрдамида тадқиқ этилди ҳамда ушбу майдонни ташкил этувчи сўзлар, сўз бирикмалари ва фразеологик бирликлар уч гуруҳга: эркак ва аёлларга умумий равишда ифодаланувчи, фақат эркакларга қўлланилувчи ҳамда айнан аёлларга қаратилиб ифода этилувчи бирликлар гуруҳига бўлинди. Инглиз ва ўзбек тилларида аёл ҳамда эркаклар нуткида эркаланиш прагматик метод ёрдамида қиёсий жиҳатдан ўрганилди ҳамда уларнинг фарқи ва ўхшаш жиҳатлари мисоллар ёрдамида ўз исботини топди.

8. Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМнинг миллий-маданий семантик компоненти таҳлили амалга оширилди, мазкур майдонга кирувчи бирликлар эквивалентлик нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратилди.

9. ЭФСМга кирувчи лексик бирликларнинг образлиқ жиҳатлари аниқланди. Эркаланиш маъноси зоонимлар, ўсимликлар, тана қисмлари номлари, инсон ташқи кўринишини, характерини англатувчи сўзлар, мифонимлар, озиқ-овқат, осмон жисмлари, жонсиз предметлар, мавҳум отлар, адабий қаҳрамонлар ва тарихий шахслар, ранг ҳамда жой номларини ифода этувчи лексик бирликлар орқали ифода этилиши тадқиқ этилди. Инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМни умумий ва миллий-маданий хусусиятларга эга эканлиги исботланди.

10. ЭФСМга кирувчи бирликлар семантикасининг ҳар хил тилларда айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшамаслигининг сабаби – турли халқларнинг яшаш шароити, диний қарашлари, маданияти, урф-одатлари, тарихи, географик жойлашиши, қўшни давлатлар билан алоқаси турлича эканлиги билан изоҳланади.

Ушбу ишда инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМ мустақил монографик йўналишда тадқиқ этилди. Бу тадқиқот келажакда ЭФСМни бир-бирига қардош бўлган ва бўлмаган бошқа тилларда таржимашунослик, этнолингвистика, когнитив ва қиёсий тилшунослик йўналишида қиёсий жиҳатдан тадқиқ этиш учун муайян даражада пойдевор бўлади, чунки мазкур майдон бевосита тилшуносликнинг ушбу соҳалари талаблари даражасида ўрганилиши мумкин.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари ”эркалаш” концептининг лингвокультурологик хусусиятлари // Замонавий тилшунослик ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари (илмий-амалий анжуман материаллари). – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2008. – Б. 197-199.
2. Самигова Х.Б. Инглиз тилида эркалаш концептининг компонент таҳлили // Ёш олим-2008 (илмий-амалий анжумани материаллари). – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2008. – Б. 113-116.
3. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини кучайтирувчи воситалар // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент: ТДТУ, 2008. – № 4. – Б. 139-141.
4. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш ва кичрайтириш маънолари // Филология и современность. – Ташкент, 2009. – № 2. – С. 124-127.
5. Самигова Х.Б. Социолингвистические факторы в лексико-семантическом поле ласкательности // Альманах современной науки и образования. – Тамбов, 2009. – № 2 (21). – С. 158-160.
6. Самигова Х.Б. Эркак ва аёллар нуткида эркалаш // Филология масалалари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – № 2 (22). – Б. 88-90.
7. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносидаги миллий-маданий сема // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. – Тошкент: ТДТУ, 2009. – № 3. – Б. 132-133.
8. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида “эркалаш” маъносини ифодаловчи сўзларнинг этимологик таҳлили // Хорижий тилшунослик, адабиётшунослик ва ўқитиш услубияти масалалари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). – Жиззах: ЖДПИ, 2009. – Б. 41-44.
9. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалашнинг умумийлиги ва индивидуаллиги // Ёш олим-2009 (илмий-амалий конференция материаллари). – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 165-166.
10. Самигова Х.Б. “Эркалаш” лексик-семантик майдонининг стилистик воситаларда ифода этилиши // Педагогик таълим. – Тошкент: ТДПУ, 2009. – № 6. – Б. 140-144.
11. Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек тилларида эркалашни ифодалашда миллий-маданий хусусият // Роман ва герман тилшунослигининг долзарб муаммолари (илмий-амалий конференция материаллари). – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2009. – Б. 313-314.
12. Samigova Kh. B. The meaning of affection, respect and praise in the English language // Pashtoonkhwa. – Afghanistan: PSDP, 2010. – <http://www.pashtoonkhwa.com/?page=pashtoonkhwa&id=967>

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Самигова Хушнуда Ботировнанинг 10.02.20 – қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик ихтисослиги бўйича “**Инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдони**” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** эркалаш, функционал-семантик майдон, социолингвистика, гендер, лингвокультурология, миллий-маданий сема, компонент таҳлил, интеграл сема, архисема, маркер, эксплицит, имплицит.

**Тадқиқот объектлари:** инглиз ва ўзбек тилларидаги эркалаш функционал-семантик майдонига кирувчи сўзлар, сўз бирикмалари ҳамда фразеологик бирликлар.

**Ишнинг мақсади:** инглиз ва ўзбек тилларида ЭФСМ билан боғлиқ лингвистик воситаларнинг семантик, лингвокогнитив, социолингвистик, гендер ва лингвокультурологик хусусиятларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли тарафларини илмий асослаб бериш.

**Тадқиқот методлари:** компонент таҳлил методи, прагматик таҳлил методи, қиёсий-типологик метод, статистик метод ҳамда тажриба (экспериментал) методи.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги эркалаш функционал-семантик майдони мустақил монографик аспектда тадқиқ этилди; эркалаш термини ва унинг бошқа тил ҳодисаларига муносабати ўртасидаги фарқларга аниқлик киритилди; инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш функционал-семантик майдонига кирувчи сўзларнинг архисема, интеграл сема ва дифференциал семалари аниқланди; мазкур тилларда эркалашнинг тилнинг фонетик, морфологик, лексик, синтактик сатҳларида ҳамда стилистик ва фразеологик воситаларда ифода этилиши тадқиқ этилди; эркалаш маъносини ифода этишда кучайтирувчи воситаларнинг аҳамияти таҳлил қилинди; қиёсланаётган тилларда эркалаш функционал-семантик майдонининг социолингвистик хусусиятларга кўра таснифи ўтказилди; эркалашнинг йўналтирилган объектга кўра таҳлили амалга оширилди; инглиз ва ўзбек тилларида эркалаш маъносини ифода этувчи лексик бирликларнинг этимологик келиб чикиши борасида маълумотлар берилди; эркалаш функционал-семантик майдонининг гендер хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб борилди; қиёсланаётган тилларда эркалаш маъносини ифода этувчи бирликларнинг миллий-маданий семантик компонентининг аниқланиши уларнинг умумий ва миллий-маданий хусусиятларини очиқ бериш имкониятини яратди.

**Амалий аҳамияти:** диссертацияда ўрганилган материаллардан лексикология, стилистика, лингвокультурология, таржима назарияси ва амалиёти фанларини ўқитиш, магистрлик диссертацияларига манба сифатида ҳамда ўқув ва изоҳли луғатлар тузишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари ЎзДЖТУ таржимонлик факультети таржима назарияси ва амалиёти кафедрасида амалий таржима, стилистика, лингвокультурология фанлари амалиётида қўлланилмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** умумий тилшунослик, инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси, таржима назарияси ва амалиёти, лингвокультурология, стилистика, фонетика, грамматика.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Самиговой Хушнуды Батировны на тему: **“Функционально-семантическое поле ласкательности в английском и узбекском языках”** на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.20 – сравнительно-историческое, типологическое, сопоставительное языкознание, лингвистическое переводоведение

**Ключевые слова:** ласкательность, функционально-семантическое поле, социолингвистика, гендер, лингвокультурология, национально-культурная сема, компонентный анализ, интегральная сема, архисема, маркер, эксплицит, имплицит.

**Объекты исследования:** слова, словосочетания и фразеологические единицы, составляющие ФСПЛ в английском и узбекском языках.

**Цель работы:** провести анализ семантических, лингвокогнитивных, социолингвистических, гендерных и лингвокультурологических особенностей ФСПЛ в английском и узбекском языке, и научно обосновать стороны их сходств и различий.

**Методы исследования:** компонентный, прагматический, сравнительно-типологический, статистический и экспериментальный методы.

**Полученные результаты и их новизна** заключаются в том, что: осуществлено самостоятельно монографическое исследование функционально-семантического поля ласкательности в английском и узбекском языке; внесено уточнение значения термина ласкательности и отношению его к другим лингвистическим явлениям; выявлены семантические компоненты ласкательности в английском и узбекском языке; изучены средств выражения ласкательности в фонетическом, морфологическом, лексическом, синтаксическом уровнях и проанализированы стилистические, фразеологические средства выражения; определены интенсификаторы ласкательности; осуществлена классификация функционально-семантического поля ласкательности по его социолингвистическим особенностям в сопоставляемых языках; проведён анализ ласкательности по объекту её направления; изучено этимологическое происхождение лексических единиц, характеризующих ласкательность; исследованы гендерные особенности функционально-семантического поля ласкательности; выявлен национально-культурный семантический компонент лексических единиц, выражающих ласкательность и проведен анализ национально-культурных особенностей функционально-семантического поля ласкательности, а также определены их общие и национально-культурные свойства.

**Практическая значимость:** результаты исследования могут быть использованы при обучении лексикологии, стилистики, лингвокультурологии, теории перевода, написании магистерских диссертаций, а также в создании учебных и толковых словарей.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования используются при преподавании предметов практического перевода, стилистики, лингвокультурологии на кафедре теории и практики перевода переводческого факультета УзГУМЯ.

**Область применения:** общее языкознание, сравнительная типология английского и узбекского языков, теория и практика перевода, лингвокультурология, стилистика, фонетика, грамматика.

## RESUME

Thesis of Samigova Khushnuda Botirovna on the scientific degree competition of the candidate of philological science on specialty 10.02.20 – comparative-historical, typological, comparative linguistics, linguistics of translation, subject: “**Functional-semantic field of affection in the English and Uzbek languages**”

**Key words:** affection, functional-semantic field, sociolinguistics, gender, lingua-culture, national and cultural sememe, componential analysis, integral sememe, archisememe, marker, implicit, explicit.

**Subjects of research:** words, word combinations and phraseological units expressing functional-semantic field of affection (FSFA) in the English and Uzbek languages.

**Purpose of work:** to analyze semantic, lingua-cognitive, sociolinguistic, lingua-cultural and gender peculiarities of linguistic means expressing FSFA in the English and Uzbek languages and to reveal their similarities and differences in the English and Uzbek languages.

**Methods of research:** the method of componential analysis, the method of pragmatic analysis, the comparative-typological method, statistical method and experimental method.

**The results obtained and their novelty** are determined in the following cases: FSFA in the English and Uzbek Languages is investigated in monographic way; the term affection and its attitude towards the other linguistic terms is determined; semantic component of affection is determined in the English and Uzbek languages; affection is revealed in phonetic, morphological, lexical, syntactical language levels and stylistic and phraseological means; the significance of the intensive means of affection are defined; FSFA is classified according to sociolinguistic peculiarities in the English and Uzbek languages; affection is analyzed according to the addressee it is referred to; etymological features of affection are revealed; the gender peculiarities of FSFA are discovered; national and cultural sememe of affection is determined, national and cultural peculiarities of FSFA are analyzed, its general and national peculiarities are revealed.

**Practical value:** the results of investigation can be used in delivering the course of Lexicology, Stylistics, Linguaculturology, the Theory of translation and as well as in writing the graduation-qualification papers of master course students, and in compiling explanatory and translation dictionaries.

**Degree of embed and economic effectivity:** the results of the investigation have been implemented into the practice at the courses of the Practical Translation, Stylistics, Linguaculturology for the students of the translation theory and practice department of the translation faculty in the Uzbek State World Languages University.

**Field of application:** General Linguistics, Comparative Typology of English and Uzbek, the Theory and Practice of Translation, Cultural Studies, Stylistics, Phonetics, Grammar.